*Хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

1930 йил 12 майдан чиқа бошлаган

# Посида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 1 — 2 (3079—3080) 1998 йил 1 январь, пайшанба Баҳоси эркин нархда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Азиз юртдошлар!

Аввало, барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган Янги йил байрами билан чин қалбдан муборакбод этаман.

Шу қутлуғ дақиқаларда байрам дастурхони атрофида ўтирган ҳар бир инсоннинг онги ва қалбидан умидбахш ўйлар, эзгу орзулар кечади. Ўтган бир йиллик умр хаёлан сарҳисоб қилинади. Эртанги куннинг ёруғ режалари тузилади.

Янги йил байрамининг ўзига хос бир томони бор. Бу пайтда, чақалоқдан тортиб кекса мўйсафидга қадар, кишининг ёшига ёш қўшилади. Янги йил фарзандларимизнинг балоғатга, камолотга яқинлашаётганидан далолат бериб бизни қувонтиради. Нуроний отахонларимиз, мунис онахонларимизни яна ҳам мўътабарроқ, яна ҳам табаррукрсқ қилади. Биз уларга янада кўпроқ меҳр билан қарайдиган, эъзозлайдиган, иззат-икромига етадиган бўламиз.

Азиз ватандошлар!

Ўтаётган йил халқимиз, мамлакатимиз учун ҳар томонлама хайр-баракали, шарофатли йил бўлди. Инсон манфаатлари йили ҳаётимизда ўз самараси, ўз таъсирини берганини кўп мисоллар орқали олис қишлоқларимизда ҳам, катта-кичик шаҳарларимизда ҳам сезиш мумкин.

Энг муҳими, 1997 йил юртимизда тинч ва осойишта кечди. Фарзандларимиз қаторига фарзандлар қўшилди. Юртимизнинг янада обод бўлиши учун катта ишлар қилинди. Янги корхоналар, янги иншоотлар барпо этилди, Ватанимиз қудрати ва салоҳиятини, халқаро обрў-эътиборини юксалтиришга қаратилган кўпдан-кўп тадбирлар амалга оширилди.

Янги жамиятимизни қуриш, кўзлаган манзилимизга етиш учун анча тажриба орттирдик.

Иқтисодиётимиздаги барқарорлик ва ўсиш суръатлари туфайли халқимизнинг ҳаёт даражасини яхшилашда, янги босқичга кўтаришда ижобий натижаларга эришдик. Қадр-қиммат, оқибат, аҳиллик, меҳр-мурувват каби миллатимизга мансуб фазилатлар жамиятимиз ҳаётидан тобора мустаҳкам жой олмоқда.

Мана шуларнинг барчасини инобатга олганда, бугунги байрам арафасида юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон — деҳқонми, ишчими, тадбиркор, ҳарбий ёки зиёлими, эски йилни ўз қилган меҳнатидан рози бўлиб, соф ният билан кузатишга, ўзини эл-юртим олдидаги бурчимни бажардим, деб ҳис қилишга, янги йилга оқ кўнгил билан қадам қўйишга ҳақлидир.

Муҳтарам юртдошлар!

Умид қиламанки, янги йил 1997 йилдан асло кам бўлмайди, иншоолло. Тангри Таолонинг ўзи бизнинг йўлимизни очиб, янги-янги имкониятлар яратмоқда. Йил бошида қилаётган эзгу тилакларимиз, пок ниятларимиз ижобат бўлиши шубҳасиз. Бошлаган савобли ишларимизни давом эттириш йўлида янги йил муҳим босқич бўлишига аминман.

Мамлакатимизда 1998 йил Оила йили деб эълон қилинди. Халқимиз қадим-қадимдан оилани муқаддас деб билган. Агар оила аҳил ва тотув бўлса, жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир.

Мен кўп миллатли мамлакатимиз халқини улуғ ва аҳил бир оилага ўхшатаман. Шу табаррук оиланинг кундалик ҳаётида ёруғ ва хурсандчилик кунлар қанча кўп бўлса, мен ўзимни шунчалик бахтиёр деб ҳис қиламан.

Азиз биродарлар!

Янги йил муборак Рамазон ойининг биринчи кунида кириб келаётгани сабабли айниқса қадрлидир. Кўҳна тарих шоҳидлик беришига, бундай ноёб ҳодиса сўнгги марта бундан қарийб тўрт юз йил муқаддам содир бўлган. Янги йилни маънавий-руҳий покланиш билан бошлаётганимиз замирида катта ҳаётий маъно мужассам. Ҳар ишга поклик, олижаноб ниятлар билан қўл уришни халқимиз бахт-саодат белгиси, деб билади.

Муҳтарам ватандошларим, қадрдонларим!

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин! Рамазон айёмингиз муборак бўлсин!

Янги йилда ҳар бир хонадонга қут-барака берсин! Кексаларимизнинг умрлари зиёда бўлсин, ёшларимизнинг камолини берсин!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, осойишталик, фаровонлик, куч-ғайрат тилайман.

Тинчлик-омонлик, бахт-саодат доимо ҳамроҳингиз бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

# КИЧКИНТОЙЛАР АРЧАСИ

**Янги йилни болажонларнинг шодон кулгиси-ю, қувноқ кайфиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни эътиборга олган Ўзбекистон Республикаси ИИВ бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси орзиқиб кутилган байрамни эсда қоладиган даражада ўтказишга ҳаракат қилмоқда.**

Шуни таъкидлаш зарурки, имкон топиб Тошкент шаҳар давлат муассасалари ва жамоатчилик хизмати кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси орқали Тошкент Давлат цирки, «Камолот» ёшлар жамғармаси биноси ва Митрафанов номидаги спорт-соғломлаштириш мажмуасида ташкил этилган Янги йил арчасига чипталар олинди.

— Бирлашган касаба уюшмамиз ўз теварагига ИИВ Марказий аппарати, марказий поликлиника, қурилиш-монтаж бошқармаси каби олтита бошланғич касаба уюшмасини бирлаштирган, — деди қўмита раиси Ҳанифа Жалилова. — Мактаб ўқувчиларининг қишки таътили даврида 750 нафар болажонларимиз Янги йил томошаларида қатнашишади.

Айни пайтда кичкинтойлар турли ўйинчоқлар билан безатилган яшил арчалар атрофида қўшиқ куйлаб, рақсга тушишаяпти. Қорбобо уларга совғалар улашмоқда. Айиқполвон, бўри, тулкивой, қуён, ялмоғиз кампир, Қизил шапкача ва бошқа эртак қаҳрамонларининг чиқишлари болажонларга олам-олам завқ бағишлаяпти.

**Ўз мухбиримиз.**

# ФАЙЗ-БАРАКА ОЛИБ КЕЛ!

Янги йилим кел, дилларга поклик олиб кел,
Юртимизга тинч-омонлик, шодлик олиб кел.

Самолардан ўйнаб-учиб ёғсин қорларинг,
Бу оламга беғуборлик, оқлик олиб кел.

Кичкинтойлар шўх кулгуси тутсин жаҳонни,
Сен уларга қувноқлигу, шўхлик олиб кел.

Қизларжонга муҳаббату, ҳусни латофат,
Йигитларга матонату, мардлик олиб кел.

Боболарга бардамлигу, руҳан тетиклик,
Момоларга тан-сиҳатлик, соғлик олиб кел.

Элимизга ризқ-рўзу, файзу барака,
Хуш кайфият бирла кўнгил чоғлик олиб кел.

Янги йилсан, олам-олам қувончлар келтир,
Энг аввало, кенг дунёга тинчлик олиб кел!

**Зикрилла НЕЪМАТОВ,**
**милиция капитани.**

# ЯНГИ ЙИЛ ТИЛАКЛАРИ

**Рауф ХОЛМАТОВ, истеъфодаги ички хизмат полковниги, фахрий:** — Янги йилда саксон ёшни қаршилайман. Умримнинг тўртдан уч қисмини тиббиёт ишига сарфладим. Тилагим кириб келган янги йилда беморлар соғайиб, турли хил касалликлар камайиб, республикамиз аҳолиси, жумладан, осойишталик посбонлари соғ-саломат, бардам-бақувват бўлиб юрсинлар.

**Собитхон ПАТХИДДИНОВ, Наманган вилояти Поп тумани Қамчиқ милиция бўлинмасининг бошлиғи, милиция подполковниги:** — Халқаро аҳамиятга молик Қамчиқ довони йўл қурилиши жадал давом этяпти. Ҳадемай мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг енгил ва юк автомашиналари бемалол қатнай бошлайди. Бўлинмамиз ходимлари ҳушёрлик билан йўлда ҳаракатланаётган транспорт воситаларини кузатиб, қурилишда ишлаётган ишчи ва хизматчиларнинг осойишталигини сақлаб турибдилар. Бу улкан қурилиш ўз муддатида битиб, замонавий карвон йўли тинчлик, осойишталик йўлига айлансин.

**Абдукарим БЕРДИКЕЕВ, Мўйноқ туман ИИБ бошлиғи, милиция майори:** — Бизнинг туман Орол денгизининг нақ атрофига жойлашган. Бу ердаги экологик вазият ҳаммага аён. 1998 йилда Орол ҳалокатини тўхтатиш борасидаги халқаро ҳаракатлар жонланиб, ижобат бўлиб, денгиз яна мавжланиб, сувлари қалқиб туришини Оллоҳ насиб этсин.

**Маъруф СОБИРОВ, Шайхонтоҳур тумани 5-ҲЎЙҚ ҳайдовчиси:** — Мен ўтган 1997 йилда ўт ўчириш қисмида иш бошладим. Хизмат давомида беш-олти жойда ёнғин офати билан курашишга тўғри келди. Тилсиз ёвнинг мудҳиш оқибатларини кўриб диллар ўртанади. Янги йилда ҳамма жойда ёнғин хавфсизлигига риоя этилиб, ўт офатининг рўй беришига йўл қўйилмасин.

**Абдували ЭРГАШЕВ, Жиззах вилояти ИИБ ДАНБ ходими, милиция сержанти:** — Европадаги ривожланган давлатларда автомашиналар ниҳоятда кўп бўлишига қарамай йўл-транспорт ҳодисалари нисбатан кам рўй берар экан. Йўл ҳаракатлари аввало ҳайдовчи, қолаверса пиёдаларга боғлиқ. Янги йилда ҳайдовчиларимиз, пиёдалар йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этиб, турли кўнгилсизликлар рўй бериши камайсин.

**Дилшодбек РЎЗИМАТОВ, Андижон вилояти Олтинкўл тумани ИИБ катта участка вакили, милиция катта лейтенанти:** — Участка вакили сифатида оилавий келишмовчиликларни ҳал этишда иштирок этаман. Гоҳида эр ёки хотин айби билан бўладиган жанжаллар оқибатида яхшигина оила бузилиб, норасида болалар сарсон бўлиб қолади. 1998 йил — Оила йилида ҳамма тинч-тотув яшаб, умид билан қурилган оилаларда жанжал бўлмасин.

MILLIY KITOB PALATASI

# ТАРҒИБОТ — САМАРАЛАР ОМИЛИ

Ёнғин офатининг олдини олиш, хавфсизлик қоидаларига риоя этиш кўплаб кўнгилсиз ҳодисаларнинг рўй бермаслиги учун кафолатдир. Бунинг учун эса ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан олиб бориладиган тарғибот ишлари муҳим ўрин эгаллайди. Шунингдек, ўт ўчириш хизмати ходимларининг илғор тажрибаларини ёйиш, билимларини тарғиб этиш ҳам катта аҳамият касб этади. Бундан роса чорак аср муқаддам Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳарбийлашган ўт ўчириш қисми биносида Ёнғиндан сақлаш техникавий кўргазмаси ташкил этилган эди. Кейинчалик кўргазма турли хил экспонатлар билан бойитилди. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁСБ раҳбарияти кўргазмани тарғибот марказига айлантириш учун амалий ёрдам берди. Айни кунда Тошкент шаҳар ИИБ ЁСБ илғор тажриба ва билимларини тарғиб қилиш маркази мамлакатдаги ибратли маскан ҳисобланади. Бу ерда ёнғин чиқишининг олдини олиш, хавфсизлик қоидаларига риоя этиш, фалокат юз берганда тезда офатни бартараф этиш, ўт ўчириш воситалари, техникаларидан фойдаланиш ва шу каби амалий жараёнлар акс этган кўргазмалар, фотосуратлар қўйилган.

Янги йил арафасида марказ ташкил топганлигининг 25 йиллиги нишонланди. Мажлислар залига Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁСБ раҳбарияти, Тошкент шаҳар ИИББ ЁСБ, шаҳар туманлари ИИБ ЁСБ вакиллари, пойтахтдаги бир қатор ташкилот, муассаса, олий ўқув юртларидан келган меҳмонлар йиғилишди. Марказ бошлиғи, истеъфодаги ички хизмат полковниги Оқойиддин Аҳмедов ўтган даврда амалга оширилган ишлар юзасидан маъруза қилди. Сўзга чиққанлар тарғибот марказининг ташкил топиш тарихи, Тошкент шаҳрида ёнғинларнинг олдини олиш, аҳолига хавфсизлик қоидаларини тушунтириш борасидаги хизматлари ҳақида гапирдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

Суратли ахборот



*Янги йил арафасида Бухоро вилояти ИИБ ходимларига ажойиб совға ҳозирланди. Бухоро шаҳрининг марказида бошқарма ходимлари учун мўлжалланган қирқ хонадонли турар жой биноси қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди.*

*Суратда: фойдаланишга топширилган бинонинг умумий кўриниши.*

*Е. ЗУЕВ олган сурат.*

## ХАТЛАРДАН САТРЛАР

«Постда» газетасининг шу йил 24 октябрь сонидаги «Оқ «Лимузин» ва қора «ўттиз бир»лар» мақоласи тўйлардаги ортиқча дабдабаларга чек қўйилишига маълум даражада туртки бўлди, десам янглишмайман. Яқинда шаҳримиз ҳокимлигида тўйларни ихчам, камчиқим ўтказиш бўйича фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар бу борадаги фикр-мулоҳаза ва таклифларни ўртага ташладилар.

**А. ҲОШИМОВ,**
**Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги ходими.**

***

Халқимизда «ўт балосидан асрасин», деган нақл бор. Ходимларимиз бу офатнинг олдини олиш мақсадида талайгина ишлар қилишаяпти. Тумандаги барча ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар ва хонадонларда доимий назорат ўрнатилган. Жорий йил якунланиши арафасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузган 152 мансабдор шахс ва 185 нафар фуқароларга нисбатан 120 минг сўм жарима солинди. 126 та носоз электр иситкичлар аҳолидан олиб қўйилди. Бунда катта нозирлар, ички хизмат капитани Т. Усмонов, ички хизмат катта лейтенанти Б. Йўлбарсовларнинг хизматлари беқиёсдир.

**К. ТОЖИБОЕВ,**
**Хўжаобод тумани ИИБ ДЁН бўлинмаси бошлиғи, ички хизмат майори.**

# БИЗНИНГ ОЛИЙ БУРЧИМИЗ

*«Жасорат» медали соҳиблари*

**Мардлик одамларни хатарли дақиқалардан ажойиб ишларга ундовчи фазилатдир.**

**АРАСТУ**

...Сотимбой шер тусига кирди. Юзларида аллақандай ваҳшат пайдо бўлди. Кўзлари қонга тўлиб, инсон қиёфасини йўқотди, ғилофда турган «Наган»ни қўлига олди. Бу даҳшатдан саросимага тушган Отабек ҳозиргина ичиб бўшатишган шишаларга туртина-суртина ташқарига отилди. Бир зум ўзини йўқотаёзган Матёқуб ҳам жон сақлаш мақсадида Отабекнинг изидан югурди. Сотимбой «Қаёққа қочасанлар! Барибир отаман», — дея қичқирганча ташқарига чиқди ва қоронғулик қўйнига нажот излаб югураётган Матёқубга қараб ўқ узди. Ўқ хато кетди. Асабийлашган Сотимбой яна Матёқубни нишонга олди. Қоронғулик ичра ўқ овози янгради. Матёқуб бошига теккан ўқдан ерга йиқилди. Юз-кўзлари қонга беланди.

Ўқи бехато кетмаганидан мағрурланган Сотимбой анча узоқлаб кетган Отабекнинг изига тушди, лекин уни тополмай орқасига қайтиб, иш жойига — халқ банкига кириб кетди.

Ўқ овозини эшитган кишилар кўчага чиқишди ва қонга беланиб ётган Матёқубни дарҳол касалхонага жўнатишди. Зудлик билан туман ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция майори Бекжон Сафоев раҳбарлигида тезкор гуруҳ тузилди. Вазиятнинг анча мураккаблиги аниқ ва пухта режа асосида иш олиб боришни тақозо этарди. Буни яхши билган милиция майори Бекжон Сафоев тезкор гуруҳни воқеа жойига юборди ва у ерни диққат билан кузатиб туришни буюрди. Ўзи эса касалхонага жўнади.

— Маълум бўлишича, туман халқ банкида қоровул бўлиб ишлайдиган Сотимбой дўстлари Отабек ва Матёқублар билан иш жойида спиртли ичимлик истеъмол қилишган. Роса ароққа тўйишгандан кейин, келишмовчилик чиқиб, Сотимбой дўстларини отишга шайланган.

Тезкор гуруҳ халқ банкига етиб келганда ичкарида ўтирган қоровул маст ҳолда эди. Энг хавфли томони шундаки, унда қурол бор. У дуч келган кишини отиши мумкин. Ҳар ҳолда эҳтиёт бўлмоқ, пухта ўйлаб иш юритмоқ зарур.

— У Отабекни отолмаган, — тезкор гуруҳни йиғиб ўз фикрини ўртага ташлади Бекжон Сафоев. — Шунинг учун унинг олдига бормоқчи бўлган кишини Отабек деб отиб қўйиши мумкин. Менимча, банк бошқарувчисини чақириб, у билан учраштиришимиз керак.

Бу таклиф барчага маъқул тушди. Банк бошқарувчиси ичкаридан туриб ташқарини кузатаётган Сотимбойни чақирди. У бошқарувчининг овозидан таниб, ташқарига чиқди. Қўлида қурол билан турган Сотимбойни унга яқин жойдаги дарахт орқасида турган Бекжон Сафоев кўз очиб юмгунча қуролсизлантиришга улгурди.



Милиция майори Бекжон Сафоев ҳаётида бундай воқеалар кўп бўлган. У ҳар гал бундай вазиятда жиноятчининг шахсини, хатти-ҳаракатини аниқ ўрганиб чиққандан сўнггина бирор хулосага келади.

— 1984 йил Тошкент Давлат дорилфунунининг ҳуқуқшунослик куллиётини тамомлаб, Хонқа туман ИИБда терговчи бўлиб иш бошладим, — деди Бекжон Сафоев. — Тажрибали ходимлар — милиция майори Муҳаммад Раҳмонов, милиция подполковниги Бакберган Собировлар менга бу соҳанинг сир-асрорларини пухта ўргатишга ҳаракат қилишди. Зарур маслаҳатлар, насиҳатлар беришди. Камчиликларимни ўз вақтида айтиб, уни тугатиш йўлларини ўргатишди...

Устозларининг ўгитларига амал қилган Бекжон кўп ўтмай туман ИИБ катта терговчиси, кейинчалик эса Хоразм вилоят ИИБда терговчи вазифаларида сидқидилдан меҳнат қилди.

Айни кунда у Ражаббибидек меҳнатсевар оила соҳибасининг қадрдон умр йўлдоши. Шоҳина, Элдорбек ва Умидбекларнинг суюкли отаси. Ажаб эмас, Элдорбек ва Умидбеклар ҳам отасидек халқ осойишталиги йўлида жасорат кўрсатиб, эл-юртнинг ҳурматини қозониб юришса.

Ўтган йили милиция майори Бекжон Сафоев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан «Жасорат» медали билан тақдирланди.

— Бу юксак мукофот, — дейди Бекжон Сафоев, — бўлимимиздаги барча ходимлар хизматларига берилган баҳо деб биламан. Биз осойишталик посбонимиз. Ортимизда буюк халқ бор. Бу меҳнаткаш, танти халқ давлатимизнинг гуллаб-яшнаши учун буюк ишларни бажармоққа қодирдир. Биз ана шундай мард, жасур халқнинг фарзандлари бўлганлигимиздан фахрланамиз. Уларнинг тинчлигини, хотиржам меҳнат қилишини таъминлашдек масъулиятли вазифани виждонан бажармоғимиз керак. Бу бизнинг бурчимиз.

**Ж. ХУДОЙБЕРГАНОВ**

**Суратда: Хоразм вилоят, Янгиариқ туман ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция майори, «Жасорат» медали соҳиби Бекжон Сафоев ҳамкасби билан иш юзасидан суҳбатлашмоқда.**

**Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат.**

# РЕСПУБЛИКА ИИВ ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

**БУХОРО.** Қоровулбозор туманидаги Марказий деҳқон бозорида қурилаётган янги бино ичидан ўлдириб, ғишт бўлаклари билан кўмиб қўйилган жасад топилди. Шахси аниқланганда у Бухоро қурилиш трестига қарашли технологик таъминот бошқармаси ишчиси, 1966 йилда туғилган Ш. Остонов бўлиб чиқди. Олиб борилган тезкор чора-тадбирлар натижасида ушбу жиноятни «Севинч» хусусий ошхонаси ишчиси У. Х. ўзаро жанжал оқибатида содир этганини бўйнига олди.

**САМАРҚАНД.** Ургут тумани ИИБ ходимлари навбатдаги тезкор тадбирни ўтказдилар. Тумандаги Маҳтумқули кўчасида яшовчи муқаддам судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган, 37 ёшли А. А. текширилганда унинг ёнидан 4 килограмм 795 грамм қорадори топилди. Суриштирув ишлари олиб борилаяпти.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ.** А. Икромов тумани ИИБ ходимлари томонидан Тошкент вилояти Зангиота туманида истиқомат қилувчи, 1968 йилда туғилган Р. Ш. Фарҳод бозорида қалбаки 100 АҚШ долларини сотаётганда қўлга олинди. Бундан ташқари унинг ёнидан яна 5 дона худди шундай қалбаки пуллар топилди.

**ҚАШҚАДАРЁ.** Қарши шаҳридаги Посбонлар кўчаси, 48-уйда яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Х. К. уйи олдида Касби туманилик Ч. Салоҳиддинов билан жанжаллашиб қолиб, унга қарата «ИЖ-28» русумли қирқма милтиқдан ўқ узади ва воқеа жойидан қочиб кетади.

Тезкор-қидирув ишлари натижасида Т. К. ушланиб, ашёвий далил сифатида ундан қирқма милтиқ тортиб олинди. Тергов ҳаракатлари олиб борилаяпти.

**ФАРҒОНА.** Қўқон шаҳри, А. Навоий мавзеси, 66-уй, 16-хонадонда яшовчи Б. Оқиловнинг автосаройидан «ВАЗ-2103» русумли, давлат белгиси 3 19-54 ФЕ бўлган автомашина ўғирлаб кетилган эди. Шаҳар ИИБ тезкор ходимлари саъй-ҳаракати билан кўп ўтмай бу жиноятни содир этган шахслар аниқланиб, ушланди.

**АНДИЖОН.** Андижон тумани ИИБ ходимлари гиёҳвандликка қарши турли тадбирларни ўтказишяпти. Яқинда тумандаги Найман қишлоғида яшовчи, «Механика» заводи ишчиси Г. Э.нинг хонадонидан елим халтага ўраб қўйилган 1 килограмм 400 грамм наша топиб олинди. Терговни ички ишлар бўлими олиб боряпти.

**НАМАНГАН.** Мингбулоқ туманидаги Жумашуй шаҳарчаси, З. Ўрмонов кўчаси, 79-уй, 13-хонадонда яшовчи, муқаддам судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1957 йилда туғилган А. Х. шу кўчанинг 77-уй, 3-хонадонига меҳмонга боради. Базму жамшид авжига чиққанда ўзаро низо чиқади. Шунда А. Х. пичоқ билан уй бекаси Қ. Холбоевага ҳужум қилади. Бека қаршилик кўрсатганда тиғдан унинг чап қўли жароҳатланади. А. Х. ушланди.

**СУРХОНДАРЁ.** Вилоят ДАНБ ходимлари ўтказган навбатдаги тезкор тадбирда «Ўрта Осиё Транс» автокорхонаси ҳайдовчиси А. Ф. бошқарувидаги «КамАЗ-53212» русумли, 02-96 ТСО давлат белгили автомашинада 8 тонна кунжарани Тожикистон Республикасига ноқонуний равишда олиб кетаётганда қўлга олинди.

**Т. МУРОДОВ.**

# ҲИЙЛАСИ ЎТМАДИ

Тўрақўрғон тумани А.Набиев номли жамоа хўжалигининг трактор саройида ҳисобчи-кассир лавозимида ишлайдиган А.Ш. эрталаб ишга келгач хонасининг эшигини оча солиб, атрофдагиларни чақирди. Хонадаги темир сандиқнинг эшиги очилган, ичи бўм-бўш эди.

Дарров милицияга хабар беришди. Туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Р.Жалолов бошчилигидаги тезкор гуруҳ етиб келиб, вазиятни ўрганди. Суриштирув, текширув ишлари бошланди. Экспертлар темир сандиқни бузиб, пулни олган шахснинг бармоқ изларини топдилар. Аниқланишича, ўғри А.Ш.нинг ўзи бўлиб чиқди. У дастлабки терговда тракторчиларнинг пулини ўзлаштириб юборгани ва темир сандиқни ўзи бузиб, шу зайлда қарздан қутулиб қолмоқчи бўлганини тан олди. Шундай қилиб, ҳисобчи-кассирнинг ҳийласи ўтмади.

**Ўз мухбиримиз.**

*Хизматимиз — Ички қўшинларда*

# ЯНА САФГА ҚАЙТДИ

Подполковник Тўлқин Алиевни марказдан олисда жойлашган бўлинмаларда тез-тез учратиш мумкин. У баъзи ёшлар улгура олмайдиган ишларни бемалол уддалайди. Ички қўшинларда 30 йилдан ортиқ хизмат қилиб келаётган бу офицер бошлиқнинг қўриқлаш техник муҳандислик воситалари бўйича муовини бўлиб фаолият кўрсатмоқда.

У 1958 йилда, отлиқ бўлинмада хизматни бошлаган пайтида эгнига ҳарбий кийим кийган эди. Шундан бери талабчан устозларининг панд-насиҳатлари, кўрсатган йўл-йўриқлари ҳамиша ёдида. Уларнинг маслаҳати билан Саратов ҳарбий билим юртига ўқишга кирди. Ўқишни муваффақиятли тамомлагач, ёш лейтенант Ички қўшинлар тизимига ишга юборилди.

Т. Алиев ўз фаолияти давомида юзлаб аскарлар ва прапоршчиклар тайёрлади. Унинг баракали меҳнати Фахрий ёрлиқлар, раҳматномалар ва бошқа мукофотлар билан муносиб тақдирланган.

Тўқсонинчи йилларнинг бошида Тўлқин ака нафақага чиқди. Аммо бу узоққа чўзилмади. Чунки шу кезлари Ички қўшинларга мутахассислар жуда зарур эди. Подполковник Алиев ҳеч иккиланмай яна сафга қайтди. Ўша ўзига таниш, сабр-тоқат, куч-ғайрат талаб этувчи ишни давом эттира бошлади. У биринчи навбатда электриклар, аккумуляторчилар, ускуналарни созлаш бўйича усталар, қўриқлаш техника воситаларини бошқарув пультлари соқчиларини тайёрлашга киришди. Бу борада полковник С.Ем яқиндан ёрдам берди.

Бугунги кунда ўқув-моддий база етарли, қоровуллар қўриқлаётган объектлардаги воқеалардан огоҳ этувчи техникалар бир меъёрда ишлаб турибди.

— Хизматга кўплаб ёшлар келишяпти, — дейди меҳнат фахрийси. — Улар аскар ўз кийимидаги погон билан эмас, балки бажараётган ишига қараб қадрланишини яхши биладилар. Шу боис техника сирларини имкони борича мукаммал эгаллашга ҳаракат қилишяпти.

Подполковник Т. Алиев ёшларга хос ғайрати билан жамоада ҳавас уйғотмоқда.

**О. ПОПОВА,**
**прапоршчик.**

# ВАЗИЯТНИ ТЎҒРИ БАҲОЛАБ

Бу сафар лейтенант З. Орипов раҳбарлигидаги ходимларнинг топширилган вазифани асосий бўлинмадан ажралган ҳолда, мустақил бажаришларига тўғри келди. Бўлим бошлиғи жангчиларни самимий қарши олиб, уларни жойлаштириш ва озиқ-овқат билан таъминлаш масаласини ҳал қилди.

Эртасига хизматга киришдилар. Улар топширилган вазифаларни имкони борича тўлиқ бажаришга ҳаракат қилишди. Ҳафтанинг охирига бориб бажарилган ишларга якун ясар экан, кўчаларда содир этилаётган жиноятларнинг кескин камайишида, фуқароларнинг шахсий мулкини ўғирлашга қарши курашда уларнинг ҳам ҳиссаси катта эканлигини алоҳида таъкидлади.

Кўчаларнинг бирида патруль гуруҳи бошлиғи Д. Нарзиқуловнинг эътиборини икки киши юк машинасига шошилинч диван ва креслоларни ортишаётгани тортди. Милиция кийимидаги кишини биринчи бўлиб ҳайдовчи кўриб қолди ва зудлик билан моторни ўт олдирди. Патруль бошлиғи вазиятни тўғри баҳолаб ҳайдовчини, А. Ҳайдаров эса юк ортувчиларни ушлади.

Ички ишлар бўлимида бу уч шахс ўзаро тил бириктириб, уруш ва меҳнат фахрийсининг буюмларини ўғирламоқчи бўлишгани маълум бўлди. Ҳушёр ходимлар бўлинма сардори томонидан рағбатлантирилди.

Ёки бошқа бир мисолни олиб кўрайлик. Туман ИИБга чорвачилик фермасидан ўндан ортиқ қўйлар ўғирлангани ҳақида маълумот тушди. Содир бўлган ушбу воқеа бўйича барча постлар огоҳлантирилди.

Кичик сержант А. Мадатов ва Б. Эшназаровдан иборат наряд туман марказидан олисда, белгиланган йўналиш бўйича борарди. Улар йўлда тўхтаб турган юк машинасини кўриб қолишди. Ҳайдовчи моторни титкилаш билан овора эди. Ходимлар машина юкхонасидан эшитилаётган туёқ овозларидан булар яқингинада ўғирланган қўйлар эканлигини пайқаб олишди. Шу тариқа ўмариб кетилаётган жониворлар яна эгасига қайтарилди.

Шуниси қувончлики, тартиб посбонлари қаерга, қайси ички ишлар идорасига юборилмасин, ўша жойдаги вазиятни тўғри баҳолашга ўрганишяпти. Улар жамоат тартибини сақлашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

**Р. КУРБОНОВ, майор.**

# НАМУНАЛИ ЖАМОАЛИГИЧА ҚОЛАДИ

Подполковник С. Чориев сардорлик қилаётган бўлинма Ички қўшинлардаги илғор жамоалардан бири ҳисобланади. Мазкур ўқув йили якунлари бўйича шахсий таркиб аъзолари жанговар ва хизмат тайёргарлигининг барча туридан «яхши» ва «аъло» баҳолар олишди.

Офицерлардан А. Шарипов, З. Орипов, Б. Тошқулов, прапоршчиклар И. Қодиров, Н. Болтаев, Ф. Ғаниев, Ю. Аҳмедов, М. Осокина, сержантлар М. Шарипов ва З. Рўзиевлар бор имкониятларини ишга солиб, бошқаларга ўрнак бўлишди.

Айни пайтда келгуси ўқув йилига тайёргарлик кўрилаяпти, бўлинма ўқув хоналари ва кўргазмали қуроллар билан таъминланиб, ўқув-моддий базаси такомиллашиб бормоқда. Айниқса заҳирага бўшатиладиганлар ўрнига қўйиладиганларнинг билимини оширишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Сардорнинг айтишича, янги ўқув йилидан шахсий таркибнинг яна намунали жамоалар қаторидан ўрин олиши учун барча имкониятлар мавжуд.

**К. РАШИДОВ.**

# ПОСБОН БЎЛИШГА АҲД ҚИЛДИ

Ташқаридан қаралса, оддий аскар А. Қосимов сафдошларидан бирор жиҳати билан фарқ қилмайди. Сирдарё вилояти, Гурлан туманидан хизматга чақирилган. Отаси Болбек ака кўп йиллар давомида ўқитувчилик қилган, ҳозир нафақада. Онаси Насиба ая эса ҳамшира бўлган (айни пайтда кексалик гаштини сурмоқда).

Армия сафига чақирилгунга қадар Аҳрор коллежда таълим олар, механик бўлишни орзу қиларди. Аммо Ички қўшинлардаги хизмат унинг келгуси режаларини ўзгартириб юборди.

Ҳозирги кунда наряд сардори сифатида хизматини давом эттирмоқда.

... Ўша куни оддий аскарлар А. Қосимов ва Х. Йўлдошевлар аҳоли турар жойларидан бирида хизмат бурчларини ўташаётган эди. Рўпарадаги чорраҳа яқинида турган «Жигули» автомашинаси олдида икки эркак киши даҳанаки жанг қилаётганини кўриб қолишди. Улар яқинлашиб қолган пайтда муштлашаётганлар олишувни тўхтатиб, машинага ўтиришди-да, жўнаб қолишди. Бу ерда бир гап борлигини сезиб турган А. Қосимов рация орқали қўшимча куч чақирди. Шубҳа остига олинган машина текшириб кўрилганда ўриндиқ остига рўйхатдан ўтказилмаган қўшоғиз ов милтиғи ва 30 дона патрон яшириб қўйилгани маълум бўлди.

Ўрни келганда шуни айтиш лозимки, бу воқеадан аввалроқ оддий аскар Қосимов бошчилигида оддий аскарлар Ш. Усмонов ва Ф. Жабборовлар вояга етмаган қизнинг номусига тегишга уринган икки шахсни қўлга олишган эди.

— Ўз ҳаётий тажрибамдан шундай хулосага келдимки, — дейди Аҳрор. — Фуқароларнинг шаъни ва ор-номусини ҳимоя қилиш ҳақиқий эркак кишининг бурчи. Хизматимни ўтагандан сўнг ички ишлар идорасига ишга киришга қатъий аҳд қилдим. Ота-онам бу қароримни қўллаб-қувватлашади, деб умид қиламан.

**А. ШАРИПОВ,**
**катта лейтенант.**

# ҚУВОНЧЛИ ЎЗГАРИШЛАР

Бундан бир неча ой илгари подполковник В. Утепов бўлинма сардори этиб тайинланди. Шундан сўнг бу ердаги ишлар анча жонланиб кетди. Сардордаги ғайрат-шижоат, жамоани илғорлар сафига олиб чиқиш истаги кишини ҳайратга солади. У ўйлаган ниятига етиш осон бўлмаслигини билса-да, кўзлаган мақсадига қатъият билан интилади. Бунда 25 йиллик тажрибаси ҳамда А. Ражабов, У. Мавлонов, Б. Бафоев каби офицерлар билан ҳамфикр иш кўраётгани яхши самара бермоқда.

Орадан ҳеч вақт ўтмай бўлинмадаги ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади. Бўлинма ҳудудида сув ҳавзаси, машқ майдони, жанговар ва спорт иншоотлари, ёзги ошхона бунёд этилди, назорат ўтиш пункти қайта жиҳозланди. Талайгина режалар ҳам белгиланди. Масалан, бўлинма ҳудудидаги қаровсиз ётган майдонларга тупроқ тўкилиб, текисланиб, баҳорда мевали дарахтларнинг ниҳоллари ўтқазилади. Раҳбарият олдида турар жой масаласи ҳам кўндаланг бўлиб турибди. Бу борада биринчи навбатда назорат хизматига шарт-шароитлар яратиб бериш диққат марказида. Улар мавжуд қийинчиликларга қарамай зиммаларидаги бурчни шараф билан адо этмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бўлинмадаги ўзгаришлар теварак-атрофдагилардан ўз ёрдамини аямаётган муассаса бошлиғи Т. Ғофуровнинг номи билан чамбарчас боғлиқ. Ҳарбий хизматчилар ҳам қўл қовуштириб ўтиришгани йўқ. Назоратчилар ўз кучлари билан бўш вақтларида бўлинма ҳудудида турар жой барпо этишди. Ҳозирги кунда эса жанговар тайёргарлик синфи ва раҳбарият учун хизмат хоналари қурилаяпти. 15-20 йилдан хизмат қилган С. Каримов, Н. Худойназаров, А. Ҳалимов, Г. Шодиев, Қ. Боймуродова ва бошқа прапоршчиклар ишлаш учун етарли шароит яратиш нечоғли муҳим эканлигини яхши билишади.

Бўлинма сардори билан бирга катта офицер, подполковник А. Трикин куну тун фидойилик кўрсатмоқда. У бўлинма офицерларидан ўз маслаҳатлари, зарур бўлса ёрдамини аямайди.

**Ш. КАРИМБОЕВ,**
**катта лейтенант.**

# НАФТАЛИН ҲИДИ...



Йил якунланиши арафасида Андижон шаҳридаги иккита кичик туманда яшовчи фуқароларнинг хонадонларида ўғирлик содир бўлди. Ўғрилар сурбетларча, кундуз куни, хонадон эгалари йўқлигида эшикларни ломга ўхшаш мослама ёрдамида очиб, қимматбахо буюмларни ўмариб кетишган. Андижон шаҳар ИИБ 1-милиция бўлинмаси ходимлари уларни қўлга олиш учун бор имкониятларни ишга солдилар. Бу вазифага участка вакиллари ҳам жалб этилди.

Катта участка вакили, милиция капитани Абдупаттоҳ Турсунов ҳудудни айланиб юрган пайтда сумка кўтариб кетаётган йўловчилар унинг эътиборини тортди. Сумкадан нафталин ҳиди анқиб турарди. Милиция ходимини кўргач, кимсалар қадамларини тезлатишди. А. Турсунов уларни тўхтатиб, ўзини таништирди ва сумканинг ичидаги нарсалар билан қизиқди. Йигитлар саросимага тушиб қолишди. Участка вакилининг шубҳаси янада ортиб, уларни милиция бўлинмасига олиб боришга мажбур бўлди. Сумка ичида нафталин сепилган турли хил кийимлар бор эди. Йигитлар ўзларига тегишли бўлган бу кийимларни сотиш учун бозорга олиб кетишаётганини айтишди. Аммо кўрсатилган бу важга ишониш қийин эди. Катта тезкор вакиллар, милиция майори Козимжон Каримов ва милиция катта лейтенанти Бегижон Қўчқоров, тезкор вакил, милиция капитани Дилшодбек Насриддиновлар томонидан олиб борилган тезкор қидирувлар натижасида ушланган шахсларнинг ўндан ортиқ хонадонда ўғирлик қилишгани аниқланди. Мазкур жиноятлар ташкилотчиси, илгари судланган К. М. ҳибсга олинди.



**Суратларда: катта участка вакили, милиция капитани Абдупаттоҳ Турсунов ўз ҳудудида; жиноят-қидирув бўлими ходимлари К. Каримов, Б. Қўчқоров ва Д. Насриддиновлар тезкор тадбир режасини муҳокама қилишаяпти.**

**Б. КЛЕЙМАН.**
**олган суратлар.**

